



Gazeta 1956 yildan
chiqa boshlagan 2014 yil Dekabr 12 (738)

Bilim - taraqqiyot negizi

Agronom

TOSHKENT DAVLAT AGRAR UNIVERSITETI GAZETASI

8 - декабрь Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

"Конституция-фуқаролик жамияти таянчи"

Университетимизда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 22 йиллиги муносабати билан "Конституция-фуқаролик жамияти таянчи" мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбир, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент вилояти Адлия бошқармаси, Республика Маънавият тарғибот маркази Тошкент вилояти бўйими, Фуқаролик жамиятини шаклланишини мониторинг килиш мустақил институти Тошкент вилояти худудий бўлинмаси ҳамда "Камолот" ЁИХ Тошкент вилояти кенгаши ҳамкорлигига ташкил этилди.

Унда университет Маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори А.Абдувасиков, Халқаро антик дунё иммий академиясининг академиги, шуҳрат медали соҳиби, сиёсий шархловчи Қобилбек Каримбеков, Тошкент вилояти Адлия бошқармаси бошлиги ўринbosари Тоҳиддин Утепбергенов, Республика Маънавият тарғибот маркази Тошкент вилояти бўйими раҳбари Махмуджон Назаров, Фуқаролик жамиятини шаклланишини мониторинг килиш мустақил институти Тошкент вилояти худудий бўлинмаси раҳбари Б.Ҳикматов, "Камолот" ЁИХ Тошкент вилояти кенгаши раиси ўринbosари Лазизжон Ҳасанов, университет профессор-ўқитувчилари ва иктидорли талабалари иштирок этди.

Конституция қабул қилинishi мамлакатда демократик хукукий давлат барпо этиш, Ўзбекистон фуқароларининг интеллектул салоҳияти, бунёдкорлик, яратувчилик кобилияти ва соғлом тафакур тарзи асосида адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш имконини беради. Конституциямизда кўп миллатли ва кўп эътиодли мамлакатда миллатларо ва динларо бағрикенглик, ижтимоий бирдамлик, умумий мағфаат атрофида бирлашиш тамойиллари конун билан кафолатлаган.

Конституциямизда жамият тараққиёти беъсовита ҳалқ турмуш тарзи, унинг бугуни, келажаги, фаронов ҳаёти ва истиқболи, ҳар бир фуқаронинг тақдирни ва унинг келажаги, вояга етадиган, ўз фикри ва қарашларига эга бўлган навқирон ёшларимиз ҳаётга ишонч билан кириб келаётгани, жамиятимиздан мустахкам ўрин олаётгани ва малактимизнинг тараққиёти йўлида ҳал қилувчи кучга айланадиганлиги ўз ифодасини топган.

Ф.Ашуррова,
Маънавият ва маърифат бўйими услубийётчisi

Барча университетимиз жамоасини, улуг байрам-Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси қабул қилинган куннинг 22 йиллиги билан табриклаймиз! Зоро, қомусига амал қилган ҳалқ келажаги буюк бўлади.

Бежизга, "Қомусли эл-номусли эл"
дэйишмаган. Ватанимиз тараққиёти йўлида
самарали меҳнат қилаётган
юртдошларимизга катта муваффақиятлар,
мустаҳкам соғлик, оиласи тинчлик-
хотиржамлик тилай-миз!



1 – декабрь ОИТСга қарши кураш куни

"ОИВ" инфекцияси тўғрисида биласизми?

Бугунги кунда ОИВ инфекцияси ва ОИТС қасаллигини олдини олиш жаҳоннинг глобал масалаларидан бирига айланмоқда. Бу борада аҳолининг, жумладан, ёшларнинг тиббий билимларини ошириш мухим аҳамият касб этиди. Шу сабабли, олий ўқув юртларида, академик лицей ва қасб-хунар колледжлари ва ўрга мактабларда ўқувчи-талабаларнинг тиббий маданиятини ошириш максадида, тадбирлар мунтазам равишда ташкил этиб бориляпти. Шундай тадбирлардан бири, университетимизда ҳам "ОИВ инфекцияси ҳакида биласизми?" мавзусида бўлиб ўтди.

Тадбирда, Маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор А.Абдувасиков, Тошкент вилояти ОИТСга қарши кураш маркази ташкилий бўлим мудири Р.Юсупова, Таш ИЭС поликлиникаси шифокорлари, Университет тиббийхона шифокори Ш.Рахматуллаев ва ҳамширалар ҳамда, Қиброй марказий поликлиника норколари А. Тожикуловлар катнашдилар. Тадбирда сўзга чикканлар ОИТС қасаллиги ер юзида энг мухим ижтимоий ва тиббий муаммога айланни бораётганини, қасаллик дунёнинг барча мамлакатларида тарқалган бўлиб, ер куррасида миллионлаб одамлар ОИВ инфекциясини ташувчи хисобланиши, ва барчамиз бу хавфдан огоҳ бўлишимиз зарурлиги ҳакида батафсил маълумот бердилар.

Талабаларга "ОИВ инфекцияси ҳакида биласизми?" "Нима учун эрқаклар иштироқи мухим?", "Сил ҳакида сухбатлашамиз" мавзуларида брошюралар тарқатилди.

Маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор А.Абдувасиков юртимизда ёш авлодни она Ватана мухаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадрияларга хурмат руҳида тарбиялаш борасида бир канча ишлар амалга оширилаётганинг тўхтатлиб, тириклик бебахо неъмат эканлигини, соғлом фикрли инсон соғлом турмуш тарзини кечириши, соғлом турмуш – баҳтли келажак эканлигини айтиб тадбирга якун ясади.

Ш.Рахматуллаев
Университет тиббийхона шифокори

МУНОСИБЛИК МАСЬУЛИЯТИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамо-лигига мамлакатимизда ёш авлоднинг хукук ва манфаатларин таъминлаш, уларни кучли ижти-моий ҳимоялаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама чукур ва муҳаммал билим олиши, ўз қизиқиши ва лаёкати бўйича касб-хунар эгаллаши, ижодий-интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариши, меҳнат қилиши масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатига этибор каратилмокда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кабул килинган “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш милий дастури ёшларнинг жаҳон андозалари даражасида билим ва касб-хунар эгаллаши, маънавиятини юксалтиришда, жамиятда ўз ўрнини топиши йўлида муҳим хукукий дастурламал бўлиб хизмат килмоқда. Юртимизда янгидан янги таълим масканлари, ахборот-ресурс марказлари, маънавият ва маърифат даргоҳларининг бунёд этилаётгани ҳатто хорижий давлатлардан келган меҳмонларнинг ҳайрати ва ҳавасини келтирмоқда.

Мамлакатимизда юритилаётган кучли томонлама ривожланиши учун барча куляй шарт-шароитларни яратиб бериш борасида олиб борилаётган кенг камровли амалий чора-тадбирлар халқимизга хос хусусият бўлиб, милий табиатимизнинг узвий қисмига айланган. Ҳар бир оиласда, ҳар бир маҳаллада, энг аввало, ёшларнинг саломатлигини таъминлаш, уларга яхши билим бериш, айни пайтда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга муносиб шахслар этиб вояга етказиш азалдан муҳим масала бўлиб келган. Мустақиллик йилларида ушбу вазифалар Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилиди ва бу эса барча соҳаларда юксак ютукларга эришиш имконини бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралда кабул килинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга каратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги карори ёш авлод таълим-тарбияси, уларнинг камолоти йўлидаги эзгу саъй-харакатларни давр руҳи билан ҳамоҳанг йўлга кўйишида янги босқични бошлаб берди.

Президентимизнинг катор фармон ва

карорлари ўсиб келаётган ёш авлодни милий ва умуминсоний қадриятлар, милий истиқлол гояси, ўз Ватани ва ҳалқига меҳр-муҳабbat ва садоқат руҳида тарбиялашга, уни ҳар томонлама жисмонан, маънан ва руҳан барқамол этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган.

Айни пайтда кўплаб мақсадли давлат дастурлари хам хаётга муваффакиятли татбиқ этилмоқда. Бу борадаги ишларнинг юкори самарадорлиги давлат ҳокимиёт ва бошқарувি органлари хамда жамоат тузилмалари, шу жумладан, ўз сафларида 5,5 миллион йигит-қизни бирлаشتirган «Камолот» ёшлар ижтиёмий ҳаракати, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамгармаси, «Махалла» хайрия жамоат фонди ва бошча ташкилотлар ўртасида тобора кенгайиб бораётган ижтиёмий ҳамкорлиги натижасида таъминланмоқда.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама ривожланиши учун барча куляй шарт-шароитларни яратиб бериш борасида олиб борилаётган кенг камровли амалий чора-тадбирлар халқимизга хос хусусият бўлиб, милий табиатимизнинг узвий қисмига айланган. Ҳар бир оиласда, ҳар бир маҳаллада, энг аввало, ёшларнинг саломатлигини таъминлаш, уларга яхши билим бериш, айни пайтда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга муносиб шахслар бўлиб келган. Мустақиллик йилларида ушбу вазифалар Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилиди ва бу эса барча соҳаларда юксак ютукларга эришиш имконини бермоқда.

Ўзбекистондаги ёшлар сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири иктидорли ёшларни илм-фанга кенг жалб этишидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Давлат стипендияларига ўқишида ва жамоат ишларидаги юкори натижаларга эришаётган ёшлар сазовор бўлмоқда. Шунингдек, бир катор номдор стипендиялар таъсис этилганлиги, ёшлар салоҳиятини ривожлантиришида, ўз иктидорини намоён этишида ўз самараларини беряпти.

Мен ҳам шундай баҳтиёр ёшларнинг бири сифатида республикамиз қишлоқ хўжалигига етук мутахассисларни етишибтириб беряётган олий даргоҳда таҳсил оляман.

Университетимизда талабаларнинг тўлақонли таълим олиши, илмий изланишлар олиб бориши, етук профессор-ўқитувчи-ларнинг маҳорат сабоқларидан баҳраманд бўлиши учун зарур барча шароит ва имкониятлар яратилган. Кенг ва шинам аудиториялар, машгулот хоналари, замонавий ахборот-ресурс маркази билимларимизни янада бойитиш, бой илмий-маърифий адабиётлар заҳираасидан фойдаланиш имконини берса, барча зарур жихозлар билан таъминланган лабораториялар, тажрибасинов участкалари, иссиқхоналар янгидан янги навларнинг имконияти ва хусусиятларини аниқлаш, тупрокнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда, янги уфқларни очища мухим аҳамият касб этмоқда. Университетимиздаги замонавий спорт-согломлаштириш мажмуаси доимо талабалар билан гавзум.

Юртимизда биз – ёшларнинг камолоти ва истиқболи йўлида яратилган улкан имкониятлар ота-онамиз, ҳалқимиз, жамият, ватан олдиғаги масъулиятини терсан хис этишига, яратилган имконият ва шароитларни муносиб бўлишга, истиқлонинг жондан азиз неъматларини, тинч ва осойишта кунларимизни кўз корачигидек асраб-авайлашга ундайди.

Асомиддин ЭРГАШЕВ,
“Селекция, уруғчилик ва ўсимликларни химоя
килиш” факультети
2-67-турху талабаси

YANGI YIL

Baxtlarga to’lsin har lahma, onimiz,
Quvonchdan entiksin tan-u, jonimiz,
Qut-baraka bilan kelgin, yangi yil.
Doim to’kin bo’lsin dasturxonimiz.

Ey, do’starlар ulg’aydik yana bir yoshga,
Bu yildan shukrona kuyin aytamiz.
Oppoq qor zaminni burkagan paytda,
Bolalikni eslab, unga qaytamiz.

Archani bezaylik kelgin ukajon,
Yaltiroq nurlari uyni toldirsin.
Uning atrofida qilgan niyatlar,
Yil bo’yi uyimga shodlik keltirsin.

Qorbobo qadami quvonchdan darak,
Har yoshga ishonchni tutib kel o’zing.
Mehmondo’st elimga sog’lik va omad,
Go’zal baxtni hadya etib kel o’zing

Dehqonzoda Ziyovuddin
“Seleksiya-urug’chilik va o’simliklarni
himoya qilish” fakulteti 1-76- guruh talabasi

YIG’LAMA ONA

Chidayman do’stimning qilmishlariga,
Chidayman ig’voyu, mish-mishlariga,
Chidayman dunyoning tashvishlariga,
Faqat, chidolmayman yig’lasang, ona!

Ko’ksimni tog’larga tutib turaman.
Tog’larni ko’ksimda tutib turaman.
Gohida ko’zimda qalqiydi dunyo,
Shunda ham o’zimni tutib turaman.
Faqat, chidolmayman yig’lasang, ona!

Kuz o’tib bahorda ochilgan gullar,
Bevafo poyida yanchilgan gullar,
Do’stlarim ortimdan qilganda ig’vo,
Mashrabim deb qilgan duoying qo’llar,
Faqat, chidolmayman yig’lasang, ona!

O’z qo’ynimdan ilon chiqsa chidayman,
Ko’ksimdan chayonlar chaqsa chidayman,
Meni jigar degan, seni volida
Do’stlarim beparvo boqsqa chidayma,
Faqat, chidolmayman yig’lasang, ona!

Ravshan Haqmurod
Tosh DAU “Zootexniya”fakulteti talabasi

ҚОР

Соғинганим менинг, топганим менинг,
Юракдан энтиқиб суйганим менинг.
Қўклардан тушишинг ўзи бир дунё,
Дунёлардан устун қўйганим менинг.

Қорпарча поклигим, момиққинам-э,
Менинг сирдош дўстим содиққинам-э
Қўнганингда агар узун сочимга,
Севиниб кетаман, попуккинам-э.

Майли қўксимга ёғ, тўйиб қучайин,
Ва баён айлайнин муҳаббатимни.
Сўнг эса учиб бор, ёrim ёнга,
Етказ, менинг ёзган ишқий хатимни

Дилфуз Зулфия номидаги
Давлат мукофоти совриндори

Упаковка товаров

Упаковка – это лицо товара. Чем презентабельнее и привлекательнее для клиента она будет выглядеть, тем больше вероятность, что он купит этот товар. Причем очень часто потребитель покупает именно упаковку, а не товар внутри нее. В то же время известны хрестоматийные случаи, когда из-за плохой упаковки продажи резко падали. Особенно это заметно после ребрендинга какого-нибудь товара.

В чем же секрет? Все дело в том, что при покупке покупатель никогда не отделяет продукт от упаковки. Для него это единственный товар, даже если потом он выбросит упаковку сразу после вскрытия. Но, так как при покупке он не видит товар, то получается, что деньги он отдает именно за упаковку.

Какой же должна быть продающая упаковка товара, чтобы она не вызывала отторжение человека и в то же время привлекала внимание? К сожалению, из-за большого разнообразия товаров, нам придется ограничиться лишь самыми общими правилами.

Функциональность. Самое главное, чтобы упаковка, несмотря на свой внешний вид, всегда выполняла свои главные функции. Основные свойства, которые обычно несет любая упаковка – сохранение свойств товара, удобство при его транспортировке, информирование о продаваемом товаре, при необходимости – защита от детей. И уже после всего этого идет рекламная функция упаковки. Поверьте, если упаковка будет неудобной, или на ней не будет информации о товаре, то ее дизайн уже не играет ключевой роли.

Внутренняя упаковка. Упаковка бывает внешней и внутренней. Внутренняя упаковка необходима не только для сохранения товара. Ведь человек, который приобрел ваш продукт, хочет видеть его хорошо упакованым. И чем качественнее вы сможете это сделать – тем лучше. Можно сказать, что это своего рода поддержание престижа компании у своих собственных клиентов, чтобы они не ушли к конкурентам.

Цвет. Цвет – основной фактор привлечения внимания человека к упаковке.

И это очень важный элемент, который следует учитывать. Например элитные товары обязательно находятся в упаковке со строгими, холодными цветами – темно-синий, черный, серый, белый.

Детские товары, наоборот, должны находиться в ярких упаковках – розовых, красных, голубых и т.д.

Что касается еды, то тут все еще сложнее. Теплые цвета обычно обозначают сладкие продукты – конфеты, зефир, кондитерские изделия и т.д. Молочные продукты оформляются с применением холодных цветов – белый и синий, но изредка применяются и другие цвета. Продолжать можно долго. Единственное – обычно в продуктовом бизнесе не используется коричневый цвет, если только сам продаваемый продукт не коричневый. Но если в целом говорить о цветовой гамме, то в последние годы многие дизайнеры стараются быть с ними осторожными. Время ярких красок прошло, а сейчас наступило время строгости и креативности.

Простота. Знаете, что отличает хорошую упаковку от плохой? Дизайн плохой всегда предельно сложен и перегружен, а хорошей, наоборот – очень простой. Взгляните на упаковку, например, бытовой техники (не считая крупногабаритной). Чаще всего на ней просто нарисован тот товар, который вы покупаете – чайник, утюг, фильтр для воды. То же самое практически со всеми электронными приборами – телефонами, фотоаппаратами и т.д. Таким образом решаются сразу две задачи – во-первых – простой, неперегруженный дизайн. Во-вторых, человек сразу видит то, что покупает.

С другой стороны, если вы представляете известную марку, то обязательно должны указать это на упаковке. Желательно – большими буквами. Если же у вас небольшая начинающая компания, но вы гордитесь своим товаром, то следует действовать наоборот – крупно показываете изображение своего товара и небольшими буквами – название компании.

Дилдора Расулова
Агрономико-биотехнологический факультет 3-20 гурух талабаси



GENETIK INJENERIYA VA BIOTEXNOLOGIYA VA UNING QISHLOQ XO'JALIGIDAGI AHAMIYATI

Ma'lumki, bir molekula oqsil sinteziga javobgar bo'lgan DNKnning ma'lum bir bo'lagi yoki nukleotidlardan qatoriga "gen" deb ataladi. Organizmlar genlari yoki genlar majmuasi faoliyatini inson manfaatlarni ko'zlagan holda o'zgartirilishiga "genetik injeneriya" deb ataladi. Genetik injeneriyaning tadqiqot obyektlari virus, zamburug', bakteriyalar, o'simlik va hayvon hujayralarini hisoblanadi. Genetik injeneriya fanining maqsadi, genlarning ichki tuzilishi va xromosomada tutgan o'mini ehtiyojga mos ravishda o'zgartirib, ularning faoliyatini idora etishdir. Natijada tirik mavjudotni, albatta imkoniyati darajasida mahsuldarligini oshirish, sanoat miqyosida oqsil sintez qilish yoki oqsil moddalar ishlab chiqarish o'simlik hayvon turlarini inson ehtiyojiga mos ravishda o'zgartirish, irsylar va yuqumli kasalliklarni oldini olish ularga tashxis qo'yish bu-genetik injeneriyaning asosiy vazifasi hisoblanadi.

Inson organizmi to'qima organlari normal ishlashi uchun kuniga 100-120 gramm oqsil iste'mol qilishi kerak. Afsuski, hozirda oqsil miqdori 50-60 grammdan oshmayapti. Bu esa, odamlar orasida sifatsiz ovqatlanishga buning oqibatida esa turli xil kasalliklar kelib chiqishiga sabab bo'ladi.

Biotexnologiya fani favqulotda tez rivojlanayotgan fanlar qatoriga kiradi. Keyingi 30 yil ichida bir qator turli xil bakteriyalar, zamburug'lardan foydalananisiga asoslangan butunlay yangi ishlab chiqarish korxonalarini paydo bo'ldi. Biotexnologiya hozirga kelib o'simlikning to urug'idan unib chiqib, gullab meva bergungacha bo'lgan davrini 25 ming gen boshqarishini aniqladi. Keyingi izlanishlar oqibatida olimlar banan o'simligi genomiga ba'zi yuqumli kasalliklarga qarshi vaksina sintez qiladigan genlarni kiritish bilan mevasida tayyor vaksina ishlab chiqaradigan transgen banan olishga erishdilar. Banan mevasini iste'mol qilish bilan odamlarda yuqumli kasalliklarga qarshi immunitet hosil bo'ladi. Bu esa, katta iqtisodiy ahamiyatga ega.

Odam genlari to'liq o'rghanigan bo'lib, ular asosida odamdag'i irsylar qasalliklarning kelib chiqishi o'rGANilib, davolash yo'llari izlanmoqda. Keyingi yillardagi izlanishlar tufayli odam to'qima organlari yaratish texnologiyasi ishlab chiqildi. Bu texnologiya teri, pay, tog'ay uchun qulay kelsa-da, yurak, jigar, buyrak uchun biroz muammoli edi. 1998-yili Amerikalik olim J.Tomson bu muammoni o'zingin "asos" hujayralarni kashf qilinish yo'li bilan hal etdi. "Asos" hujayralar shunday hujayralarki, ular embrional hujayralarga o'xshagan, hali u qadar takomillashmagan hujayralar to'plamidan iborat bo'lib, sun'iy muhitda o'sish va har qanday to'qimaga rivojlanish qobiliyatiga ega. Endigi vazifa, olingan to'qimalardan foydalanim, faoliyati va shakli bo'yicha tabiyliga o'xshash bo'lgan "yangi" tana a'zolarini yaratishdir.

Genetik injeneriya va biotexnologiyani qishloq xo'jaligida qo'llash usbu sohaning yanada tez va samarali rivojlanishiga olib keladi. Masalan, qoramolchilikda sifatlari go'sht beradigan qoramol zotlarini yaratish aholi o'rtasida oqsilga bo'lgan ehtiyojni qondiradi. Nafaqat hayvon go'shtidagi oqsil, balki o'simliklardagi oqsil, yog, uglevodlar organizm uchun zarur moddalar hisoblanadi. Qishloq xo'jaligida shunday nav va zotlar yaratish kerakki, bu nav yoki zot tarkibida biologik moddalarining barcha turi bo'lsin. Ana shundagina odamlar tanasida hech qaysi moddaga ehtiyoj bo'lmaydi. Hozirda qilinayotgan islohotlarning ko'pchiligi qishloq xo'jaligi uchun uning rivojlanishi uchun qilinmoqda. Ana shunday zamonda yashayotganimizdan faxrlanishimiz, davlatimiz bizga yaratib berayotgan imkoniyatlardan foydalanimiz ziarur. Zero, kelajak biz yoshlar qo'lida!



Azizjon Israilov "Meva – sabzavotchilik va uzumchilik" fakulteti 1-52 guruh talabasi

BUGUNNING GAPI

Истеъмолчи мурожаати жавобсиз қолмайди

Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг хукукларини ҳимоя килиш тўғрисида” ги Қонунида, истеъмолчига қўйидагича таъриф берилган.

Истеъмолчи-фойда чиқариб олиш билан боғлик бўлмаган холда шахсий истеъмол ёки бошқа мақсадларда товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фукаро (жисмоний шахс)дир.

Юкоридаги таърифдан шуни англаш мумкинки, истеъмолчи атамаси фукаро яни жисмоний шахсга нисбатан тадбик киланади. Жисмоний шахс (фукаро) у ёки бу маҳсулотни кайта сотиш (фойда чиқариб олиш) мақсадида эмас, ўз шахсий истеъмоли (оилавий фойдаланиш ва шу кабилар) учун сотиб олишида у истеъмолчи хисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг хукукларини ҳимоя килиш тўғрисида” ги Қонунидинг 25-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (Давлат ракобат қўмитаси) ҳамда, унинг худудий органларига истеъмолчиларнинг хукукларини ҳимоя килиш тўғрисидаги конун хужжатларига риоа этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш вазифаси юклатилган.

Шу мақсадда, Давлат ракобат қўмитаси ва унинг худудий бошқармалари томонидан истеъмолчиларнинг хукуклари бузилиши ҳолатлари доимий равища ўрганиб борилади.

Фукароларнинг мурожаатлари асосан, ёзма ва “ишонч телефони” орқали қабул килинади.

Тошкент вилояти Рақобат бошқармасига 2013 йил ва 2014 йилнинг 9 ойи давомида фукаролар-истеъмолчилардан тушган мурожаатларнинг асосий қисми коммунал соҳага тўғри келади.

Жумладан, 2013 йилда тушган мурожаатларнинг 84,1% коммунал соҳага тўғри келган бўлса, 2014 йилнинг 9 ойидаги мурожаатларнинг 84,6% ушбу соҳага тўғри келган.

Коммунал соҳада истеъмолчиларнинг хукуклари бузилишларини олдини олиш, мурожаатларни жойда ҳал килиш мақсадида Давлат Рақобат қўмитаси томонидан 2013 йил 10 июнда 41 к-к сонли бўйрук чиқарилди.

Ушбу бўйрук ижросини таъминлаш мақсадида, Тошкент вилоятининг шаҳар ва туманларига худудий бошқарманинг 15 та ходими шахсан бириттирилиб, жойларда истеъмолчиларнинг муаммоларини ҳал этиш юзасидан ишлар амалга оширилмоқда.

Истеъмолчиларга янада куляй шарт-шароитлар яратиш мақсадида, Кўмита томонидан тавсия этилган эскизлар асосида тайёрланган ижтимоий реклама банерлари вилоятнинг 8 та худудида, яни Тошкент-Самарқанд, Тошкент-Янгийўл, Тошкент-Бекобод, Тошкент-Ангрен, Тошкент-Чорбог, Тошкент-Чирчик ҳамда Ангрен ва Олмалик шаҳарларида истеъмолчиларга куляй жойларга жойлаштирилди. Шунингдек, вилоятнинг газ таъминоти корхоналарида 72 та, сувокова корхоналарида 36 та маҳсус плакатлар жойлаштирилиб, истеъмолчилар бурчаги ташкил этилди.

Истеъмолчилар коммунал соҳада, бундан ташқари савдо, умумий овқатланиш, транспорт, тиббий хизматлар соҳаларида хукуклари бузилганда бевосита Тошкент вилояти Рақобат бошқармасига ёки ташкил килинган ишонч телефонига мурожаат қилишлари мумкин.

Тошкент вилояти Рақобат бошқармасининг юридик манзили: 100077, Тошкент шаҳар, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-йи. Ишонч телефони:(8371) 267-74-64

Лазиз Атҳаджав

Тошкент вилояти Хусусийлаштириш, монополиядан чиқарин ва рақобатни ривожлантириш худудий бошқармаси бош мутахассиси.

ҲАР НАРСАДА МЕЪЁР БЎЛСИН

Ўзбек оиласари азал-азалдан шаркона хаёт тарзи асосида яшаб, миллий хусусиятларини намоён этиб, маънавий дунёсини камол топтириб келган. Бу анъана якин-якинча ҳар бир оиласининг хаёт тарзи, яшаш мезони бўлган. Шаркона оиласада камол топган фарзанд ўз ҳаёт тарзини шундай мезонлар асосида курган. Шу жиҳатдан, ўзбек миллиатининг илдизи бақувват ва маънанн етук билан милят сифатида фарзандларини буюклика дахлдор килди. Биз ҳам буюк аждодларга мунособ ворис бўлишимиз учун интилишими, ўзимизда маънавий етуклик ва баркамоллик касб этишимиз лозим. Бироқ, афсуски, бугунги техника ривожланган асрда негадир, баззи ёшлар онгини, яшаш тарзини миллий хусусиятлар, ахлоқий фазилатлар эмас, аксинча унинг ўрини шовкини гарб маданияти эгаллаб олмоқда. Бундайлар маънавиятимизни бойитадиган китобга эмас, аксинча онгу шуурни ўзига тобе қиласидан алдамчи бир техник воситага меҳр кўймоқда.

Ҳеч кимга сир эмас, бугунги техника ривожланган асрда уяли алокса воситаларисиз ҳаётимизни тасаввур этолмаймиз. Чунки, телефон узоқни якин, кўришмаганларни гойибона дийдорлаштириди. Шундай экан, бу техники воситадан тўғри, оқилона ва меъёрда фойдаланишимиз лозим. Хўш, биз уяли алокса воситаларидан тўғри ва тартибли фойдаланаймизми?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мəҳкамасининг 2012 йил 21 майда “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида уяли алокса воситаларидан фойдаланишини тартибга солиш тўғрисида”ги карори эълон қилинди. Шундай экан, таълим муассасаларида уяли алокса воситаларидан фойдаланиши тўғри йўлга кўйилмоқдами?

Ўкувчи таълим жараёнида бу матоҳдан канчалик воз кечмоқда?

Маълумки, ҳар бир таълим муассасасида тартиб-коидалардан бирни сифатида уяли алокса воситаларидан таълим жараёнида фойдаланмаслик белгилаб кўйилган. Бироқ, афсус, бу матоҳдан меъёрда фойдаланмаяпмиз, кисман бўлса-да, воз кечиш осон бўлмаяпти. Телефон-ўкувчи хаётининг мазмунига айланмоқда. Мобил алокса воситасисиз бир дакиқасини ҳам тасаввур килломаяпти.



Энг ачинарлиси, ўкувчи китобга эмас, темир матоҳга меҳр кўймоқда. Кундалик ҳаётимизда бу билан боғлик бир канча салбий ҳолатларни кузатиш мумкин. Жумладан, ўкувчи дарсда мавзуни эмас, балки қалбни ўлдирадиган қўшикни эшитиши, клип ва кимнингдир хаётин билан боғлик аянчли, фожеавий воқеликни кўрпти. Натижада, шовкини, юкори частотадаги қўшик ёки ҳаёсиз фильм ўкувчини жizzаки, асабий, бакироқ, субутсиз ва қаҳри каттик билан инсонга айлантироқда.

Жозибали бўлиб кўринган бу матоҳ, охир-оқибат улар маънавий дунёсини қашшоқлаштириб, манкуртлик даражасига олиб келмоқда. Ўқитувчи бу матоҳнинг зарари ва салбий таъсири хакида канчалик гапирмасин, мисоллар келтирмасин, аммо ижобий таъсири сезилмаяпти. Ўйлаб карасак, уларнинг шундай ҳолга тушишига аксарият ҳолларда биз катталар шароит ва имконият яратиш бермаяпмизмикин?

Биргина мисол: фарзандига энг сўнгти

руsumдаги мобил алока воситаси олиб берган ота боласининг ёш хусусиятини инобатга оляптими ёки соглиги-ю дунёкарашига таъсирини ўйляптимикин? Ёки бўлмаса, фарзанди телефондан кандай мақсадда фойдаланаётгани-ю, унинг менюсида нималар борлигини назорат киляптимикин? Бу каби назоратлардан холи боланинг ўзини тутиши, атрофдаги тенгдошларга муносабатини ва энг асосийси, маънавий дунёсини айтмаса ҳам бўлади. Ёки, дарс жараёнида фойдалангани учун ўқитувчи томонидан берилган танбех боланинг ахлокий тарбиясига эмас, аксинча ота ёки она арзоди билан улар фойдасига ҳал бўляпти. Бу ҳол етмагандек, телефондаги сухбат ўзаро жанжалларга, можароларга ва хатто ёшлар ўртасида хукуқбузарликнинг содир этилишига олиб келмоқда. Телефон орқали сўзлашув маданиятини гапирмаса ҳам бўлади.

Кундалик турмушимизда “Телефон чиқди, бало чиқди” - деган сўзларни бот-бот эшишиб турамиз. Дарҳаққат, бу бало шундай балоки, у эгасини ҳам жисман, ҳам руҳан ўз домига тортмоқда. Нега онгли бир мавжудот сифатида ўйлаб кўрмаймиз, бу масалани кимнингдир иши сифатида ўзи бўларликка ташлаймиз. Бу билан биргина муассаса эмас, балки бутун бир жамият тинчлигига таъсири кўрсатилмайдими?

Шундай экан, бу масалага факат ўқитувчи ёки таълимни амалга оширувчи мутасадди шахслар эмас, балки барча инсонлар масбул бўлишлари лозим. Ўшандагина ижобий натижага эришиш мумкин. Биз мобил алоқадан умуман фойдаланмаслик эмас, балки ўринли, меъёрда фойдаланиши тарафдоримиз. Чунки, ҳар нарсада меъёр бўлса, ўйлайманки, ҳар кандай кўнгилсиз ҳолат ва турли заарли одатлар юзага келмайди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

XURMO

Kurmo mevasi "Qur'oni karim"da ham jannat mevalaridan biri ekanligi keltirilgan. Kurmo shirin ta'mi va o'ziga xos oziq xususiyatlari bois doim sevib yeyilgan. Mutaxassislar fikricha, bir dona xurmo va bir piyola sut insonning oziq moddalarga bo'lган zarur bir kunlik extiyojini qondirar ekan. Xurmada inson salomatligi uchun zarur o'ndan ortiq modda borligi aniqlangan. Ulardan biri hazmi yengil va tez singiydigan shakar-fruktoza tanamizga quvvat manbaidir. U shakar, glukoza kabi qonda qand miqdorini ko'paytirib yubormaydi. Xurmada shuningdek A, B1, B2, B3, B6, darmondorilar, natriy, magniy, temir, sera, kaly, fosfor kabi mineralllar, yog' va oqsillar ko'p.

Xurmoning ikki foizdan ko'p qismini oqsil tashkil etadi. Oqsil tananining kasalliliklarga qarshi immunitetini mustahkamlaydi. "A" darmondorisi ko'z mushaklari immune tizimi, suyak, to'qima va tishlar uchun kerakli "B1" darmondorisi asab tizimi ishini yaxshilaydi, "B2" darmondorisi esa, oqsil, uglevod va yog'larni parchalash, hujayralar yangilanishida xizmat qiladi.

Соч парвариши ҳакида...

Соч организмнинг саломатлигидан дарак бериб туради. Агар, соч толаси хира тортиб, табиий жозибасини йўқотаётган бўлса, соглигингиз ҳакида жиддий қайгуришингиз лозим.

Танангиз турли касалликлардан азият чекмаётган бўлсада, соchlaringiz жилосини йўқотмоқдами? Унутмаслик керакки, соч доимий парваришга муҳтож. Парваришининг биринчи шарти эса уларнинг қайси турга мансублигини аниқлаб олишдан бошланади. Хўш, сочинизнинг қайси турга мансублигини биласизми? Одатда улар уч турга бўлинади: қуруқ, ёғли ва мўттадил.

Қуруқ соchlар учун никоб

Сочларни ювишдан 10-20 дақика олдин бирор тур ўсимлик мойи (энг маъқули зайтун ёки канакунжут мойи) га лимон суви аралаштириб, бармоқларингиз учи билан аралашмани бош териси ва соч илдизларига суртиб чиқинг.

Узун соchlар учун никоб:

Агар соchlар синувчан ва нозиклашиб қолган бўлса, қўйидаги тавсияларга амал килинг: 2 дона пиёз ва яримта лимон шарбатини аралаштиринг, сўнг соchlaringiznинг илдизидан бошлаб узунлиги томон харакатлантириб сурting. 15 дақиқадан сўнг илик сувда юваби ташланг. Ушбу никобдан хафтада бир марта фойдалансангиз кифоя. Бир дона лимон ва битта серсув сабзини қиргичдан ўтказиб, шарбатини аралаштирасиз. Тайёр аралашмани ювилган тоза соч толаларига суртиб чиқасиз ва сочиқ билан ўраб оласиз. 30 дақиқадан кейин соchlaringizни илик сувда ювасиз. Сўнг бир ош қошиқ олма сиркасини 1 литр қайнатиб совутилган сувга аралаштириб, соchlaringizni шу сувда чайиб оласиз. Ушбу муолажани хафтада бир марта кўллаш мумкин. 4та лимоннинг пўстлогини 1 литр сувга солинг ва паст оловда 15 дақиқа қайнатинг. Бу шарбатни хафтада бир марта бош терисидан тортиб, соchlaringizн учига қадар сурting. Бу соч учун жуда фойдали.

Интернетдан олиниди.

Shifokorlar homilali, yosh bolali ayollarga fruktozasi ko'p oziqlar yeyishni tavsiya etishadi. Chunki, fruktoza holdan toygan tanaga kuch bag'ishlaydi, sutni ko'paytiradi. Bu vaqtida onanining kalyiga extiyoji keskin ortadi. Xurmada kaly ko'p, kaly ayol tanasida suv muvozanatini saqlab turadi. Kaly miyaga kislorod yetkazishga yordamlashadi. Kaly buyraklarni chiqitlar va zaharli moddalardan tozalashda, qonbosimini me'yorida saqlab turishda juda foydalidir.

Xurmo yeyish kamqonlikning oldini oladi. Suyaklar sog'lom shakllanishida xurmadiagi kalsiy va fosfat katta foyda beradi. Muntazam xurmo yeb turish suyaklar zaiflashuvni, mo'rtlashuvidan himoya qiladi.

Asabiylik va ruhiy zo'riqish (stress) hollarida xurmo samarali ta'sir qilishi isbotlangan. Chunki, xurmada "B6" darmondorisi ko'p.

M. Xo'janazarova
Agronomiya fakulteti 4 -43- guruh talabasi

ЧҮНТАҚДАГИ ҲИКМАТЛАР

Абу Али ибн Сино демишики...

Хулқнинг мувозанатда бўлиши, бадан саломатлигини сақлади.

Қуруқ гапнинг ўзи ҳеч қачон лўнда далил бўлолмайди.

Агар сирингни сақлассанг, у сенинг асирингdir, агар ошкор бўлса, сен сирингнинг асири бўлиб қоласан.

Ҳар бир ишда эҳтиёткорликни қўлдан чиқарган ва билиб билмай пала-партиш бир ишни бошлаган кишининг пушаймон килиши турган гап.

Бир киши сен билан бўлган муносабатда хато қилса-ю, сенга узр баён этса, узрини қабул килишини кечикирма.

Кундалик ризқ учун кўп қайfuраверма. Шу билан бирга, мол ортираман деб ўзингни кўп кийнайверма, чунки ҳар ким ўз насибасидан ортиқ битта ҳам дон ея олмайди.

Мол-дунёнинг сени алдамасин. Асраган мол-дунёнинг бошқаларники бўлади, уларни сарф эта олсанг, ўша сенини бўлади.

Бахт учун белгиланган вақт бор – сен у вактдан олдин бахтга эришолмайсан.

*Dam olish sahifasi***КЕЛИН"ОЙИ"**

(ХИҚОЯ)

*Сукут сақлар бир дараҳат салобат тұқиб.
Бир сұз демас... Хеч қаюн.
Ақыл күрінап, бағыт шүнинг-чун...*
РАУФ ПАРФИ

1

Езниң кечки илик шамоллары тунги үйкүни карши олишдан аввал, сұхбат қураёттан ақауқаннан овозларини қаерларгадир олиб кетар еди.

- Ақа - деди Абдужалил. - Катта бўлиб уйланганингиздан кейин, келинойимни ойи десам индамайизизм?

- Нега индарканман. - деди Абдукамол комил ишоч билан. - Ахир, ўзинг кўриб турибсанку, иккимиз ҳам ота-она меҳрига зор бўлиб ўсаяпмиз.

- Ақа, кейин мен-чи, келинойимга уйларни супиришвараман, идишларни ювишвараман...

- Бўгти, енди ухлаймиз - деб кўрпани томогигача тортид. - Яхши ётиб тур.

- Сиз ҳам, ака...!

Майн шаббода сўрида ухлаётган ақауқаннинг ширин хаёлларини, ўзи билан узокларга олиб кетди. Енди у хаёллар узокларда, абадул-абад тутқунилқда яшайди.

2

- Ойи, - деди Ойопопук Зулфияга караб. - Амаким уришдилар...

- Нима қиувудинг, қизим? - деди Зулфия сочиқка кўлини артиб.

- Телефонларини токчага кўяман деб, ерга тушуриб юбордим, шунга...

- Майли, Ойопопук йиглама, - деб ёнига чўқкалади-да, юзидаги ёшни артиб кўйди.

- Ойи, дадам келсалар айтиб бераман.

- Йўк! Айтмайсан. Амакингга худойим инсоф бериб колар...

Зулфия шу гапларни айтиб бўлиши билан ўзининг ҳам кўзларидан ёш тўкилди. У кўз ёшларини кизидан яшириш максадида Ойопопукни кучоқлаб олди. Зулфия кизини кучоқлаб олиб тўкаётган ёши учун ичидан зил кетди. У шу топда онасини эслади. Соchlари оқарган, маюс жилмайиб тўйга розилик берәтган дамларни қуондек ёпирилиб келиб, ҳаёнини банд етди.

Коронгу хонада Зулфия онаси билан сукут сақлаб ўтиришилти. Зулфия онасига тикилиб ўтирас,

юрагини ўртага чўккан оғир сукунат тимдалар еди.

- Кизим - деди онаси ўртадаги сукунатни бузиб. - Яхшилаб ўлаб кўрдингми, ўша йигит сени баҳтили кила оладими? Биласан, сендан бошча зурриёдим йўқ. Отанг вафот етгандан сўнг турмушга чикмадим. Ўгай отанинг кизи деб таъна килишларидан кўрқдим. Қизим сўнгги бор ўйлаб кўр, кейин кеч бўлади. У сени баҳтили кила оладими, йўқми?

- Баҳтили кила олади ойи, мана кўрасиз.

- Майли, бу сафар ҳам кўндиридинг, аммо шуни билиб кўйгин, турмушингдан нолиб ёнимга келмайсан. Ўзинг танлайдинг бу ёғига у оиланинг баҳтига ҳам, дардига ҳам шерик бўлиб яшайсан. Уқдингми?

- Рахмат, ойи, мана кўрасиз баҳтили бўламан!

- Ўзингдан кўпайиб тинчиб кетсанг бўлгани, қизим...

Зулфия онасининг шу сўзларини эслаб, ҳаммасига чидашга мажбур эканини яна бир бор англади. Қайнин укасининг ҳар қандай оғир гапларига, ичиб келганда сўқишлирага, овсинининг ишшёқмасликларига чидашга бир куч ёрдам берарди. Бу, эри Абдукамол билан ўзининг ўртасидаги кучли муҳаббат эди.

Газетамизнинг олдинги сонида хаваскор ижодкор Рустам Қўчкоровнинг хикояларидан сиз азиз газетхонларни баҳраманд этган эдик. Ушбу байрамона сонда ҳам яна бир ҳаётӣ, ўкувчини ўйлашга ундаидиган хикоясини ётиборингизга хавола этмоқдамиз.

- Ойи, бугун ўқитувчилар байрамида чиқиб шеър ўқидим. - деди Ойопопук йиглашдан тўхтаб.

Зулфия хаёллари уммонига гарқ бўлган экан, жимжимадор овоздан ўзига келди.

- Вой шунаками?- деди ясама жилмайиб. - Ўқитувчинга гулларни бердингми?

- Бердим. Раҳмат! - дедилар. Ойи, шеъримни ўқиб берайми?

- Майли, қизим...

Ойопопук кўзларини юмиб шеърининг жумласини эслади. Сўнг чукур нафас олиб шеърини бошлади.

Кўзимдаги ёшлар,

Тўқилди сиз учун.

Калбимдаги шеърлар,

Ўқилди сиз учун...

- Зўр! Баракалла, қизим. Кимни шеъри бу?

- Ўзим ёзим ойи. - деди Ойопопук киприкларини пирпиратиб.

- Вой, ўзимнинг шоира кизимдан ўргилай. - деб иккى юзидан ўтиб кўйди.

Зулфия кизига термулиб кувончини сидиролмаётган бир пайтда, ошхона эшигини кимдир ўзига каттик тортиб очди. Эшик ойналари зириллаб кетди. Зулфия эшик томонга кўзларини қадади. Каради-ю, юраги увишиб кетди. Эшик олдида Абдужалил кошларини ўтиб турарди. Зулфия эринибгина ўрнидан турди.

- Тиля тақинчок қани? - деди жаҳл билан Абдужалил.

- Қанака тақинчок...? - деди Зулфия зўрга бўғилиб.

- Ўзингни гўлликка солма, овсинингни бўйнидаги тақинчокни айтаяпман.

- Тухмат қилманг, Абдужалил.

- Вей, бугун ўйда кечгача сен бўлдинг, сендан бошқа одам бўлмади, ёки ўгри тушдими? Агарда, ўғри тушганида ҳаммасини олиб кетган бўларди. Факат биттаси йўқ. Қайтарасанми?

Зулфия ҳамон довдираб турар, қандай тиллалар ҳакида гап кетаётганини англолмас еди.

- Абдужалил, тиллани мен олганим йўқ, ишонинг. - деди алам билан.

- Менга қара, - деб Зулфиянинг қаршисига бориб турди. - Сен олмаган бўлсанг кизинг олган бўладими?

Абдужалилининг шу сўзлари Зулфиянинг юрак - бағрини ўртаб юборди.

- Қизимга тил теккимзанг, менинг қизим ўгри емас.

- Ўчир овозингни... - Абдужалил ўзини тутиб туролмай Зулфиянинг ўнг юзига тарсаки уриб ўбор-

ди.

Зулфия юзини чангллаганча ортга тисарили. Ойопопук жон аччиғида амакисининг кўлига осил-

ди.

- Амаки, жон амаки, урманг ойимни илтимос... - деди кўзларидан ёш тўкиб.

- Йўқол-э.- деб Ойопопукни итариб юборди.

Ойопопук ўзини тутолмай боши билан ерга йиқилди-ю

- Нега қизимни урасиз, нима ҳаққингиз бор. - Зулфия ерга чўқкалаб олиб қизини бағрига босди.

- Эртага шу вақтда тиллаларни топиб кўймасанг бундан баттар бўлади.

- Ахир, мен олганим йўқ-ку...

- Гап шу! - деб ешик томон йўнади.

Абдужалил эшикдан чиқиб кетаётганида қулоқларига Зулфиянинг қалбидан отилиб чиқаётган сўзлари чалинди.

- Қизим, пешонанг конку, мени деб шу ахволга тушдинг-а, қизим. Амакингни кечирмайман, сени ургани учун ҳам кечирмайман...

3

Абдужалил ётоконасидаги тўшакда хотини билан йўколган тиллаларни сұхбатини қурниб ётари.

- Келинайнинг олган, аниқ биламан бугун кечгача ўйда ундан бошқа одам бўлмади.

- Нима қиласай ахир, олганим йўқ - дедику!

- Рахмингиз келяптими? Нега уч миллионлик тиллага эмас, келинайнинг ачиняпиз?

Абдужалил ўйланиб колди. Битта тиллани деб келинойиси билан қизини урганини ўйлаб, хато қилганини билди. “Ойопопкни бекор урдим. Келинайнимни ҳам бекорга тарсакиладим. Менда ҳам виждан колмабди ўзи. Ўзимнинг қизимни кимдир уриб кўрсун-чи. Боя келинайним нима деди, - қизим, юзинг кон дедими? Ҳозир ахволи яхшимини... Урганини-ку акамга айтмаслиги аниқ. Факат, улар бегуноҳ бўлиб чиқиша, юзларига қандоқ қарашмни ўлашм керак. Виждан азобидан адойи тамом бўламан-ку. Ҳаммасига Назира айборд. Биринчидан, тиллаларни яхшироқ жойга беркитиб кўймаган. Иккинчидан, ишдаги ташвишимга, уйдаги ташвишини кўшиб жахлимни кучайтириб юборди. Мен ҳам ахмокман. Шайтонга бўйнимни эгиг бериб ўтирибман. Мабодо, улар бегуноҳ бўлиша бу ўйда яшашимга хожат қолмайди. Ким ўғирлаган бўлиши мумкин...?”

(хикоянинг давоми 7-саҳифада)

Lesson 6

may or might "мумкин" модал феъли

"may" модал феъли бошқа модал феъллар каби шахс ва сонда бир хил тусланишга эга.

I/ we/ you/ they/ he/ she/it	may (not) might (not)	be, go, play, come
------------------------------	--------------------------	--------------------

may/ might = it is possible that something will happen.

You can use **may or might**.

-I **may** go to the cinema this evening. or I **might** go to the cinema.(perhaps I will go)

-When is Dono going to phone you? I don't know. She **may** phone this afternoon.

-Take an umbrella with you. It **might** rain.

-Do you think Jack will come to the party? I am not sure. He **may**.

-Are you going out tonight? I might. (= I might go out).

Режалаштирилган ва қилиниши мумкин бўлган фарқли томонларини ўрганамиз.

-I am playing tennis tomorrow. (sure)

-I may playing tennis tomorrow. (possible)

-Dono is going to France next week. (sure)

-Dono might go to France next week. (possible)

Инкор шакли **may not or might not**:

-I might not go to university tomorrow. (=perhaps I will not go)

-Dono may not come to the party. (=perhaps she will not come)

Машқлар

1. Гапларни тўлдиринг. Нуқталар ўрнига **may/might** қўйиб ганларни қўчиринг.

1. Ieat breakfast tomorrow morning. 2. I be in class next Monday. 3. Wehave a grammar test in class tomorrow. 4. I..... get a letter from a friend of mine tomorrow. 5. I.... watch TV for a little while after dinner tonight. 6. It be cloudy tomorrow. 7. Ichoose a career in music after I finish school. 8. Cities..... become more and more crowded. 9. I don't know. I go swimming. 10. It is cold and cloudy today. It be cold and cloudy tomorrow.

2. Саволларга жавоб беринг.

1. Where are you going for your holidays next year? 2. Where are you going tonight? 3. When will you see Dono again? 4. What are you going to buy when you go shopping? 5. What are you doing at the weekend? 6. When are you going to phone Dono? 7. What are you going to have for dinner tonight?

Г. Тиловова, С. Отамурадова
ТошДАУ инглиз тили кафедраси ўқитувчилари
(Давоми бор)

КЕЛИН"ОЙИ"

- Гапирсанги芝и мундок... - Абдузалилга хотинининг сўзлари малол келди.

- Ўчир овозингни. - деди зарда билан. - Ухла ундан кўра.

4

Зулфия сопол лаганга ош сузиб, илдам қадамлар билан ховли ўртасидаги сўри олдига борди. У сўрига чиқиб хонтахта ўртасига лаганин кўйди. Бир пасда хамма ёкни ош иси тутиб кетди. Абдузалил ошдан бир кошиқ олиб, овқат ейишни бошлаб берди. Дастурхон олдиди иштаха билан овқатланаётгандарнинг ҳаёлини, дарвазанинг кўнгироги бўлди.

- Ўзим очаман. - деб ўрнидан кўзгалди Зулфия. Абдузалил пиёладаги чойни симираётганида кизининг ўқитувчиси Шарофат опа сўри олдига келиб тўхтади. Болалар ўқитувчига салом беришида ўрнидан кўзгалиб ошхона томон югуриб кетишиди.

- Келин, опа келинг, чикинг ўтиринг. - Яхшимисизлар. - деб сўридаги кўрпачага ўтиди-ю, нима дейишини ўйлаб колди. - Сизда гапим бор еди. - Марҳамат, гапираверинг. - Кече ўқитувчилар куни эди. Биласиз, ўқитувчилар шу куни совға олишига қизиқишиди. Аммо, менда бундай одат ўйўк. Лекин, кече ўқувчиларим менга ҳам гуллар совға қилишиб. Ҳамма ўқувчиларим чиқиб кетгандан сўнг кизингиз ёнимга келди. - Устоз! - деди киприкларини пирпратиб - Мана бу сизга. - деб папкасидан тилла занжир олиб менга узатди.

- Сизга совға. Гулга ойимда пул қолмабди. Хўп, хайр устоз. - деб югуриб кетди.

Занжирни узок кўздан кечирдим. Балки, оддий занжир бўлса керак, деб ўйладим. Қарасам, ҳакиқатдан ҳам тилла екан. - деб ҳалатининг чўнтағидан тилла занжирни олиб хонтахта устига кўйди.

- Факат, қизингизни урушманг. Етти ёшли бола тилла нималигини ҳали билмайди. Майли, яхши қолинглар, мен кетдим.

Ҳакиқат букулиб келган, аммо ҳеч қачон синмаган. Ҳакиқат юзага чикканидан Абдузалил ва хотини килимшларини эслаб жим ўтиришарди. Зулфия орага чўккан сукунатга дош беролмай йиглаб юборди. Назира йигига токат киломлай ўрнидан туриб ётотхонаси томон юриб кетди. Зулфия ҳам кўзларидаги ёшни артиб ўрнидан кўзгалди. У оёқ кийимини кияётганда кулокларига ажаб бир сўз эшитилди.

- Келинойи тўхтанг...

Зулфия бу ажаб сўзни қачонлардир эшийтганди ва яна эшитиш иштиёқида эди.

- Кечиринг мени...Ўзлигимни йўқотган эканман...

Бу сўзларни Абдузалил юракдан айтарди. Лекин, келинойиси ишонармикан билмасди.

- Сизни "Ойи" десам бўладими? Ўз онасига кўл кўтартган ўғлингизни кечира оласизми?..

Зулфия ўгирилиб Абдузалилга каради. Абдузалилнинг кўзидаги ёшларин кўриб унга ичидан ачинди.

- Кечирдим... - У бу сўзни айтди-ю, хўнграб йиглаб юборди.

Келинойи билан қайнин ука юракдан йиглаётган пайтда, ён кўшнисининг уйидан эшитилган қўшиқ садолари иккисининг дардига мос тушди.

*Хар ишиларга қодир,
Одамларнинг боласи.
Қалбда ҳали бордир,
Одамларнинг ноласи...*

Рустам Кўчкоров "Механизация"
факультети 2- боскич талабаси

- Хўш, отахон, эшитиш мосламаси яхши ишлайлитми? - сўрабди шифокор хузурига кирган бемордан.

- Жуда зўр, - жавоб бериди чол. - Такиб кўйганингиздан бўён хўрзни сўйиб едим, кўшнининг итини ўлдирдим, кампирга жавоб бердим, васиятномани қайтатдан ёздим...

- Биласанми, дугонажон, ошхонамнинг деразасига қарама - карши уй деразасидан бир йигит нукул қарагани-караган. Ойнага парда тутиб олсаммикин, деб туриман...?

-Ўша йигит сени хеч кўрганми? Йўк, дейсанми?..У холда, бир кўрин, шундай килсанг, унинг ўзи деразасига парда тутиб олади.

Ишбилармон дўстига деди:
- Кеча кутубхонадан “Соликдан қочишнинг юз усули” деб номланган китоб олувдим. Уйга келиб кўрсам, ярми йиртиб олинган экан.

- Ташвишланма, - тинчлантириди дўсти.
- Элликта усули хам сенга етади.

Журналист ёши улуғ кишидан интервьюю оляпти:

-Айтинг-чи, узок умр кўришингизга нима ёрдам берган?

-Икки нарса: - бири-бутун умр соглас турмуш тарзини кечирганим, иккинчиси, - “Титаник” кемасидан кеч колганим!



- Ўғлим, бир кеча-кундуз неча соатдан иборат?
- Йигрма беш соатдан.
- Йигрма беш соат? Бу нима деганинг?
- Ахир, кеча ўзингиз кунлар бир соатга уайди дедингиз-ку.

КЕЛИНГ БИР КУЛИШАЙЛИК



Ўқитувчи синфга кириб келгач, ўқувчиларга деди:

- Бугун мен сизларга иккита савол бераман. Ким биринчи саволга жавоб берса, иккинчи саволга жавоб бермайди.

Биринчи савол кийинроқ:

- Одам бошида қанча соч толаси бор? Адҳам кўлини кўтарди.
- Мен биламан, - деди. -Бир миллион иккис юз мингга.
- Офарин! - деди ўқитувчи. - Шундай, энди жавоб бер, сен буни қаердан биласан?
-Устоз, бу иккинчи савол. Сиз кимда - ким биринчи саволга жавоб берса, иккинчи саволга жавоб бермайди деган эдингиз-ку!



- Ўтакетган кашанда екансиз, -
деди шифокор bemorga.

Маслаҳатим, бугундан бошли овқатдан сўнг факат битта сигаре чекинг.

Бир ойдан сўнг bemor яна келди. Уни кўриб, шифокор хурсанд бўлди:

- Ана, айтанимни қилиб, анча тулишиб қолибсиз.
- Ҳа, энди чекиш учун бир кунда ўн марта овқатланишга мажбур бўляпман-да, дўхтири.

Кўряпсизми, анави эркак аёлга машина эшигини очиб беряпти. Ё машина янги, ёки хотин...

Азизим, тўйгача мени фақат таксида олиб юрардингиз. Энди нега фақат метрода юряпмиз?

-Чунки, сен жуда гўзалсан. Буни таксида фақат ҳайдовчи кўради, метрода эса ҳамма!

.. Дунёдаги энг машҳур рассомлардан бири Пабло Пикассо бир кишининг портретини чизиб бўлгач, унга дебди:

- Мана, расмингиз хам тайёр бўлди. Энди сиз унга ўхшашга харакат килинг!

«AGRONOM»
MUASSIS:
Toshkent
Davlat
agrар
universiteti

Gazeta Toshkent viloyati
Matbuot va axborot
boshqarmasi tomonidan
19.10.2010 y.
№03-068 raqam
bilan ro'yhatga olingan

ISSN raqami 2181-7782

Muharrir:

XOLIDA KARIMOVA

Tahrir hay'ati:

A.A. ABDUVOSIQOV, F. ASHUROVA,
D. XOLIQOVA, SH. DURXODJAYEV,
M. QURBONOVA

E-mail: Agro.Tash.DAU@mail.ru
Tahririyat manzili: Toshkent vil.
Qibray t. Universitet ko'chasi, 2 uy



Bosishga
topshirilgan vaqt
25 Dekabr 2014 yil.

«AGRONOM»
MUASSIS:
Toshkent
Davlat
agrar
universiteti

